



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК (ДХШ) АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИХАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Сирожиддин Иманов

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси*

Annotatsiya

Мазкур мақолада давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган инфратузилма лойиҳалари таҳлил қилишда турли тадқиқотчиларнинг фикрлари ўрганилган. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш жараёни босқичлари, давлат ижтимоий соҳа объектлари бўйича 2023-йилда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар режаси кабилар таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида тегишли хулосалар шакллантирилган.

Kalit soʻzlar:

давлат-хусусий шериклик (ДХШ), лойиҳа, инфратузилма, молиялаштириш, хусусий сектор, давлат.

ANALYSIS OF INFRASTRUCTURE PROJECTS IMPLEMENTED ON THE BASIS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP (PPP)

Abstract: This article examines the opinions of various researchers in the analysis of infrastructure projects implemented on the basis of public-private partnership. The stages of the implementation of public-private partnership projects, as well as the plan of public-private partnership agreements in 2023 for public social sector objects, were analyzed. Relevant conclusions were formed based on the analysis.

Key words: public-private partnership (PPP), project, infrastructure, financing, private sector, state.

Кириш

Ҳозирда хусусий сектор қизиқишларини кучли Ҳимоясини таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни узлуксиз молиялаштириш, давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда давлат-хусусий шерикликдан кенгроқ фойдаланишни тақозо этмоқда. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда давлат молиявий ресурслари билан бирга хусусий сектор маблағларини кенгроқ жалб қилиш, ижтимоий неъматлар билан таъминлаш узлуксизлигига эришишда молиялаштиришнинг давлат-хусусий шериклик механизмини қўллашни кучайтириш борасидаги изланишларга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш

муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган инфратузилма лойиҳалари таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

“Жаҳон банки томонидан: «Давлат-хусусий шерикликлиги - бу қўшимча инвестициялар жалб қилиш мақсадида ва энг муҳими, самарадорликни ошириш воситаси сифатида тузилган инфратузилма хизматларини ишлаб чиқариш ва тақдим этиш бўйича давлат ва хусусий секторлар ўртасидаги битимларларни молиялаштириш жараёни» деган умумий таъриф берилган” [1].

“Давлат-хусусий шерикликлиги-бу жамоат товарлари ва хизматларини ишлаб чиқаришга қўмаклашиш учун хусусий сектордан молиявий ва инсон ресурсларини тадбиркорлик субъектлари ва давлат сектори ўртасида шартнома муносабатларига асосланган ҳамкорликдаги муносабат” [2] деб таъриф берилади.

Паул Ҳартман, Жефф Огден ва Росс Жасксон фикрича, “давлат-хусусий шериклик асосан давлат ва хусусий сектор вакиллари ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган расмий шартномалар ёрдамида амалга оширилади” [3].

“Бугунги кунда Республикамизда давлат-хусусий шериклик алоқаларининг заруриятини таҳлил этиш, асослаш, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ҳаётга жорий этиш ҳамда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида давомли ислоҳотлар тизимини яратиш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда” [4].

“Давлат-хусусий шериклик амалиётида ишларни бажариш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларни кўрсатиш, бошқариш, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш, техник ёрдам кўрсатиш; анъанавий шаклдаги ва лизинг шаклидаги ижара (ижара шартномалари); маҳсулот тақсимооти ҳақидаги келишувлар; қўшма корхоналар энг кенг тарқалган шакллар эканлигини айтиб ўтган” [5].

“Корпоратив бошқарув сифатини ошириш орқали корпоратив ижтимоий масъулиятни кучайтириш натижасида давлатнинг маълум бир ижтимоий функциялари тўлиқ бажарилишига эришиш муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтишган” [6].

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган инфратузилма лойиҳалари таҳлил қилишда қиёслаш, таққослама таҳлил, илмий мушоҳада, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Давлат-хусусий шериклик амалиётини ўрганиш мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий лойиҳаларни самарали амалга оширишга имкон беради. Бунда ушбу лойиҳаларнинг босқичлари билан танишиб чиқиш лозим (1-жадвал). 1-жадвалда давлат томонидан лойиҳани танлаш, амалга оширишга оширишга тайёргарлик кўриш, хусусий шерикни танлаш ва лойиҳани амалга ошириш босқичлари ҳақида маълумот берилган.

1-жадвал

**Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш жараёни
бошқичлари [7]**

№	Фазалар	Бошқичлар	Бошқичлар таркиби
1.	Лойиҳани аниқлаш	Лойиҳани танлаш	• Аниқлаш • Натижавий хусусиятлари
		ДХШ лойиҳасининг имкониятларини баҳолаш	• Мувофиқлик • Рискни пасайтириш • Лойиҳа қиймати
2.	Тўлиқ тайёргарлик	Ташкил этиш	• Лойиҳа гуруҳи • Лойиҳа давомийлиги • Маслаҳатчи экспертлар
		Танлов жараёни (тендер)	• ДХШнинг батафсил кўриниши • Харид қилиш усули • Баҳолаш мезонлари • ДХШ шартномаси лойиҳаси
3.	Келишув	Танлов жараёни	• Олдиндан саралаш • Тендерга таклифнома • Иштирокчилар билан ўзаро муносабат • Мукофот
		ДХШ шартномаси	• Якуний ДХШ шартномаси • Молиявий келишув
4.	Лойиҳани амалиётда жорий қилиш	Шартнома менежменти	• ДХШ лойиҳасининг мониторинги • Низоларни ҳал қилиш • ДХШ шартномасини бекор қилиш
		Баҳолаш	• Институтсионал ёндашув • Аналитик ёндашув

ДХШ хусусий молиялаштириладиган давлат-хусусий шерикликни англатади. Давлат-хусусий шериклик тури, унда ҳукумат хусусий секторга давлат органлари томонидан тартибга солинадиган ва контсессия шартномаси билан давлат фойдаланувчиларини жамоат манфаати, инфратузилма ёки хизмат учун куриш, бошқариш ва ҳақ олиш имкониятини беради. Тўловлар қарзни тўлаш, операцион харажатлар ва акциядорлар учун фойдани коплаш учун мўлжалланган.

ДХШ ҳукумат ва хусусий компания ўртасида анъанавий равишда давлат сектори томонидан бошқариладиган инфратузилмани молиялаштириш, лойиҳалаш, амалга ошириш ва бошқариш бўйича келишувни ўз ичига олади. Бу

лойиҳа мақсадларига эришишда харажатларни камайтириш, томонлар ўртасида хатарларни бўлишишнинг энг яхши усули. Шундай қилиб, лойиҳа хусусий сектордан инвестицияларнинг адолатли қайтарилишини таъминлаш учун ташкил этилади.

2-жадвал

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолиби ёки тўғридан тўғри музокара иштирокчиларидан ундириладиган бир марталик тўлов миқдорлари [8]

Т/р	Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг қиймати	Бир марталик тўлов миқдори (фоизда)
1.	Умумий қиймати 1 млн АҚШ долларида 10 млн АҚШ долларида бўлган лойиҳалар учун	0,2%
2.	Умумий қиймати 10 млн АҚШ долларида 100 млн АҚШ долларида бўлган лойиҳалар учун	0,1%
3.	Умумий қиймати 100 млн АҚШ долларида 1 млрд АҚШ долларида бўлган лойиҳалар учун	0,05%
4.	Умумий қиймати 1 млрд АҚШ долларида ортиқ бўлган лойиҳалар учун	0,02%

ДХШ давлат секторига ҳам молиявий, ҳам молиявий бўлмаган имтиёзлар беради. Бу маҳаллий инфратузилма ёки давлат секторини ривожлантириш лойиҳалари учун молиявий ресурсларнинг этишмаслиги муаммосини ҳал қилади ва шу билан бошқа маҳаллий эҳтиёжлар учун давлат маблағларини бўшатади. Бу давлат ва хусусий сектор ўртасида лойиҳа хатарларини тақсимлаш усули. ДХШ аҳолига хизмат кўрсатишда иккала сектор учун ҳам самарадорлик ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларини яхшилашга қаратилган. Биринчидан, ДХШ пул қийматига катта эътибор беради, харажатларни камайтиришга устувор аҳамият беради, хавфларни яхшироқ тақсимлаш, тезроқ бажариш, яхшиланган хизматлар ва потентсиал даромад ўсиши.

3-жадвал

Давлат ижтимоий соҳа объектлари бўйича 2023-йилда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар режаси [8]

Т/р	Худудлар номи	Ижтимоий соҳа объектлари сони, дон
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1 554
2.	Андижон вилояти	1 642
3.	Қашқадарё вилояти	2 090
4.	Наманган вилояти	1 625
5.	Фарғона вилояти	2 455

6.	Бухоро вилояти	526	
7.	Жиззах вилояти	327	
8.	Навоий вилояти	220	
9.	Самарқанд вилояти	871	
10.	Сурхондарё вилояти	556	
11.	Сирдарё вилояти	663	
12.	Тошкент вилояти	576	
13.	Хоразм вилояти	251	
14.	Тошкент шаҳри	20	
Ҳаммаси		13 376	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 10-апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида” ПҚ-118-сон Қарорида давлат ижтимоий соҳа объектлари бўйича 2023-йилда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар режаси шакллантирилган (3-жадвал). Мазкур Қарорга мувофиқ мамлакат бўйича ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш бўйича жами 13376 та шартнома тузилиши режалаштирилган. Ҳудудлар кесимида энг кўп шартнома Фарғона вилоятида (2455 донa шартнома) тузулиши режалаштирилган бўлса, энг кам шартнома Тошкент шаҳрига (20 та шартнома) тўғри келган.

Хулоса

Давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришни диверсификациялаш масалаларини ўрганиш асосида таъкидлаш лозимки, давлат-хусусий шериклик амалиётининг мамлакатда ривожланиши хусусий тадбиркорлар ҳамда давлатнинг шериклик муносабатларини ривожлантиради ва самарали бошқарувни юзага келтиради. Хусусий шерикнинг бошқарув қобилияти инновациялардан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Молиялаштиришдаги шериклик ва давлат томонидан яратилган барқарор сиёсий муҳит келажакда лойиҳанинг самарадорлигини ошириши мумкин. Томонлар ўртасида мажбуриятлар тақсимои, бошқарувнинг бўлиниши ва юзага келиши мумкин бўлган рискларни бошқариш лойиҳада инобатга олиниши лозим. Ётарлича ҳуқуқий базанинг шакллантирилмаганлиги, молия бозорида иштирок этишнинг чекланганлиги кабилар турли хавф-хатарни юзага келтириши мумкин. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик амалиётининг ривожланиши инфратузилма лойиҳалари ривожланишига, мамлакатдаги инфратузилма тизимининг яхшиланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Холодная Н.Д. Государственно-частное партнерство – новый тип отношений в российской экономике / Н.Д. Холодная // Вопросы государственного и муниципального управления. – 2009. – № 2. С. 52.

2. EIB, The EIB's Role in Public-Private Partnerships (PPPs) // European Investment Bank. Luxembourg. 2004.

3. Paul Hartman, Jeff Ogden, Ross Jackson. Contract duration: Barrier or bridge to successful public-private partnership? // *Technology in Society*, Volume 63, November 2020, 101403;
4. G.Shakirova. O'zbekiston oilalarida davlat-xususiy sheriklik aloqalarini tashkil etish zaruriyati va yo'llari. // "Mamlakat iqtisodiy xavfsizligini ta'minlashning asosiy yo'nalishlari" Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, Toshkent, 8.11.2019. – B.5.
5. N.N.Oblomurodov. Davlat-xususiy sheriklik asosida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish. // "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy elektron jurnali. № 6, dekabr, 2018. – B.8;
6. S.Elmirzayev, N.Shavkatov. Davlat-xususiy sheriklik va korporativ ijtimoiy mas'uliyat. // "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy-elektron jurnali, № 1, fevral, 2020. – B.8;
7. Lukamba Muhiya Tshombe, Thekiso Molokwane. An analysis of public private partnership in emerging economies. // *Risk Governance & Control: Financial Markets & Institutions* / Volume 6, Issue 4, Fall 2016, Continued – 2. –P.11;
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 10-apreldagi "Ijtimoiy soha obyektlarining isitish tizimlarini davlat-xususiy sheriklik asosida modernizatsiya qilish to'g'risida" PQ-118-son Qarori, 2-ilova. <https://lex.uz/docs/-6427809>